O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 17 июль ШАНБА

№ 56 (12.276)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ИФТИХОР

ҲАЁТИМ МАЗМУНИ ЎЗИНГСАН

Қуш ўз уясида, инсон киндик қони тўкилган она Ватанида бахтиёр ва масрур яшай олади. Давр алғов-далғовлари сабаб не-не инсонлар Ватандан айро, унинг райҳонлари ҳидини, тоғу тошлари, гуллаган мевазорлари, чўлу даштларини қўмсаб, озод ва эркин келажагини куйлаб ўтишди...

Бугун халқимиз, миллатимизнинг азалий орзулари ушалиб, мустақил Ўзбекистон ўз залворли қадамлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга эмин-эркин, ғайрат-шижоат билан интилаётган ажойиб дамларда беихтиёр шундай фикрлар хаёлимдан ўтди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, қалбимда аждодларимизни эрк, озодлик учун курашларга даъват этган миллий истиқлол ғоялари тантанаси учун ифтихор, мамлакатимизнинг буюк келажаги олдида масъулият туйғуларини ҳис этдим. Ҳаётимизда энг буюк, энг азиз бу байрамни ҳар йили жамиятни тубли янгилаш, ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлаш йўлида янги-янги поғоналарга кўтарилган ҳолда нишонламоқдамиз. "Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда", деб таъкидланади Юртбошимиз Қарорида.

Дарҳақиқат, бу байрамни Ўзбекистон халқлари ҳар йили тинч, эркин, фаровон ҳаётимизни ардоқлаш туйғулари остида нишонламоқдалар. Бугун қайси қишлоқ, овул, шаҳарга бормайлик, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти натижаларини кўрамиз. У янги маҳалла гузарлари, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган қўшма корхоналар, энг замонавий лойиҳалар асосида қайтадан қуришга киришилаётган обод қишлоқлар тимсолида намоён бўлмоқда.

Газетамиз таҳририятига кун сайин келаётган хушхабарлар шундан далолат. Айтайлик, ғаллакорларимиз хирмонига барака кирди. Зангиота туманининг чекка Бўзсув қишлоғида янги тикув цехи очилди. Тошкент-Ангрен темир йўлини электрлаштириш режаси жадал бажарилмоқда. Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод тадбиркорлари янги маҳсулотларини хорижий шерикларга жўната бошлашди...

Барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ютуқ ва натижаларимиз беқиёс. Бугун бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар уларни тарғиб қилишни кучайтиришни кўзлаб, мустақиллик байрами арафасида амалга ошириладиган маънавий-маърифий, маданий-оммавий ишлар дастурларини ишлаб чиқмоқдалар. "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" умумий шиори остида ўтадиган бу тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизга бўлакча маъно бағишлайди, бунёдкорлик ишларимиз кўламини кенгайтиришга руҳлантиради.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизда тинч ва осуда ҳаётга ишончни мустаҳкамлаб, юздан ортиқ миллат фарзандларини ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида умумий уйимиз – мустақил Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга даъват этаётир. Бу саъй-ҳаракатларда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар, хусусан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосий рағбатлантирувчи омилга айланди.

Маҳаллий бошқарув идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаларининг жойлардаги бўлимлари, маънавий тарғибот гуруҳлари Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллиги арафасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар. Қарорда бу тадбирларни кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида, ортиқча дабдабаларсиз, лекин одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклларда ўтказиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар бир кун бизни ана шу энг азиз, энг буюк байрамимиз нишонланадиган дамларга яқинлаштирмоқда. Бу суюкли Ватан улуғланадиган, мустақилликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётган замондошларимиз муносиб тақдирланадиган палла.

Ўзбекистон ҳар биримиз учун мукаррам диёр. Ҳар биримиз шу Ватан меҳри билан камол топамиз, ўсиб-унамиз. Қаерда бўлмайлик, унга интилиб яшаймиз. Яқинда таҳририятимизга туркум шеърларини йўллаган Дилором Сотиволдиева ёзганидек:

Ватан – ўсган уйинг,
қутлуғ остонанг,
Наманган, Андижон,
Тошкент, Фарғонанг...
Сўлим сойнинг бўйи,
соғинган онанг,
Жийда ҳиди елган
далалар – Ватан!

Биз ҳамиша шу Ватан хизматига камарбастамиз, унинг ҳар қаричи биз учун суюкли, муқаддас, азиз.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ВАКИЛЛАРИМИЗ

Юртбошимиз "Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олийжаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир", дея кўп бора таъкидлаганлар. Бинобарин, сўнгги йилларда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам бир-биридан кўркам спорт мажмуалари қад ростламоқда. Шунинг учун ҳам спортсевар ёшларнинг сони тобора ортиб бораяпти.

Спортнинг ўзига хос мафтункор, нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастиканинг ривожлантирилаётгани эса спортчилар орасида аёллар ва қизларнинг сафи кенгайишига замин яратмоқда. Ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилаётган натижалар билан қизиқиб республика Гимнастика федерацияси вилоят бўлими раиси Нафиса Турғунова билан суҳбатлашдик.

– Бугунги кун ўзбек гимнастикаси, унинг келажак авлод ҳаётида тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз?

– Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Ёшлигидан спорт билан машғул бўлганлар бақувват, иродали, соғлом бўлишади. Инсоннинг саломатлиги эса ўз навбатида ақлий фаолиятни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Истиқлол шарофати билан барча жабҳаларда бўлгани сингари спортни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиб, гимнастиканинг оммалаштирилаётгани қувонарли.

Ўзбекистон Гимнастика федерациясининг вилоят бўлими ташкил этилганига олти йил бўлди. Ўтган давр мобайнидаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли, айтишга арзигулик ишларни амалга оширдик. 2004 йилда гимнастика билан шуғулланувчи қизлар 72 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1667 нафарга етди. Федерациямиз 2008 йилдан фаолиятини кенгайтириб, гимнастиканинг – бадиий ва спорт, акробатика, трамполин турларини бирлаштирган ҳолда иш юритмоқда. Федерациянинг иш режасига асосан, вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда мусобақалар уюштирилади. Яқинда Бекобод шаҳридаги "Ёшлик" болалар спорт мажмуасида ўтказилган мусобақа ҳам шулар жумласидан. Гимнастиканинг тараққиёти хусусида гап кетганда шуни айтишим мумкинки, уни ривожлантиришга нафақат мутасадди ташкилотлар, балки отаоналар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

– Юртбошимизнинг "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва шу йўналишдаги бошқа қарорларида янги-янги спорт секцияларини ташкил этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини спортга кенг-роқ жалб қилишга алоҳида урғу берилган. Бу борада вилоятда яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

(Давоми 4-бетда).

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ОРАСИДА

МАҲАЛЛА БОР ЭКАН, ОДАМИЙЛИК ЎЛМАЙДИ

Ватан остонадан, қадрдон маҳалладан бошланади. Қаерда кимдир бўлишинг, қаерладир бирор ишни дўндирган бўлишинг эҳтимол. Аммо сен ҳақингдаги энг биринчи сўзни ҳам, энг охирги сўзни ҳам маҳалладошларинг айтади. Туриш-турмушингга маҳаллага кўрсатган хизматинг ва маҳалладошларингга муомалангга қараб баҳо берилади...

Айтиш жоиз, истиқлолдан кейин маҳаллага катта эътибор берила бошланди. Унинг имкониятлари, жамиятдаги ўрни тўғри баҳоланди. Мустақилликнинг илк йилларида Президентимизнинг маҳалла ҳақидаги сўзларини эслайлик: "Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли шароит, вазият фақат маҳаллаларда бўлиши мумкин".

Одатда маҳалла ҳақида ёзганда, унинг нақадар ажойиблиги, яхшилиги, гўзаллиги, дунёда ягона ижтимоий институтлиги, хуллас яна бир қанча мақтовлар ёзилади-да... шу билан сўзлар тугайди, сиёҳ қурийди, қоғоз тамом бўлади. Салқин хонада ўтириб, деразанинг буёғидаги сўлиган кактусга-ю, деразанинг нарёғидаги телеминора ва кўп қаватли уйларга тикилиб ёзилган нарсанинг тақдири шундоқ бўлади!

Бир ҳинд машойиҳининг: "Денгизни англаш учун ҳеч қурса соҳилда юриб кўриш керак", дегани ёдимга тушади-ю, яқинроқ маҳаллалардан бирига – Қибрай тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Бўстон" маҳалласига отланаман.

Жазирама иссиқда мени – газета мухбирини деб ғалла майдонини ташлаб келган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳайдар Ғафуровга қараб аввал ўзимни айбдор ҳис қиламан, сўнг ҳурматим ошади. "Қандай ютуқларга эришдингиз?" ёки "Нимани қойил қиляпсизлар?"га ўхшаган анъанавий саволлардан бирини бергим келади-ю, тилимни тияман: қанақа ютуқ, қанақа муваффақият?! Бу одамлар ютуқ ё шуҳрат учун ёки сен мақташинг учун ишламайди. Шундай қилиши кераклиги, шундай бўлса, эл корига ярашини билгани сабабли куймаланиб юради, ўз уйидаги таъмирга муҳтож ошхонасининг деворини ёхуд суғоришга келиб қолган помидорларини унутса-унутадики, эл ғамини, маҳалла дардини дилидан узоқ қилмайди! Ҳар ҳолда менга шундай туюлади.

– Маҳаллаларингиз билан танишмоқчи эдим, – дейман, дафъатан.

Оқсоқол мени сўзма-сўз тушунди шекилли, кўчалар бўйлаб сайрга бошлади.

– Мана бу қишлоғимиздаги энг машҳур ателье-лардан бири, билмадим, сизни қизиқтирадими, йўқми, – дейди у ғурур аралаш иккиланиш билан.

Ичкарига кирамиз. Чоғроққина хонада турли рангдаги мато парчаларига кўмилиб, нимадир тикаётган икки аёлга кўзим тушади. Қисқа суҳбатимиздан англашилади-ки, тикувчиликни ўрганган Гулнора Ғуломова ҳам оиласига ёрдам бўлиши, ҳам элга хизмат қилиш ниятида шу ишни бошлашга қарор қилади. Оддий уй бекасининг фирма ёки хусусий корхона очиб, катта тадбиркорлар билан беллашишга кўзи етмайди. Шунда ҳукуматимиз яратган имкониятлардан бири – касаначилик билан қизиқиб қолади.

– Асосан, аёллар кийимлари, парда ва кўрпа-тўшак жилдларини тикаяпман, – дейди Гулнора. – Солиқлардан 24 фоизлик имтиёз беришган. Туман касаначилик уюшмасига энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида пул тўлайман, холос. Унинг ҳам ярмини маош тарзида қайтариб беришади. Турфа қоғозлар тўлдириш, турли идораларга ҳисобот беришдан озодман. Эримнинг ёнига кириб, рўзғор учун тўрт-беш сўм пул орттиряпман. Иш стажига эга бўлаётганим менга, айниқса, маъқул. Энг муҳими, оилам бағридаман, ишга бор-келдан, йўл азобидан йироқман. Икки нафар шогирдим бор. Эртага улар ҳам ўзлари мустақил ишласалар, яна икки нафар қишлоқдошимиз ишли бўлади.

(Давоми 2-бетда).

ҲИСОРАК КЎЧАЛАРИ РАВОН

Сўнгги йилларда Паркент туманининг марказий ва ички йўллари қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этмоқда.

Яқинда Ҳисорак қишлоғидаги «Олмазор» ва «Толчи» кўчаларининг 855 метр қисмига асфальт ётқизилди. Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган ишлардан қишлоқ аҳли беҳад мамнун.

Ирода МАҚСУД қизи.

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

ЮРАКДАН КУЙЛАНАР ЮРТ МУҲАББАТИ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз халқимизнинг эзгу орзу-ўйларини рўёбга чиқарган энг улуғ айём – Истиқлол шодиёналарини тобора яқинлаштирмоқда. Кундан-кунга яшариб, яшнаб бораётган ҳур диёримиз ҳусн-жамолига ошуфта қалбларда Ватан меҳри, муҳаббат қўшиғи қайнаб тошади. Кимдир уни шеърга солса, кимдир куй-қўшиқларида изҳори дил айтади.

Кимдир мўйқалам ила бор ҳисҳаяжон, туйғуларини тасвирга туширади. Ҳа, таърифига тил ожиз бу маконни кечагина жамоат транспортида эшитганим – бир хорижлик меҳмоннинг айтган сўзлари билан атагим келди: "Ҳақиқатан ҳам дунёнинг жаннати Ўзбекистондир..."

Унинг бу иқрорини атрофдаги барча – ёшу қари ички бир ғурур билан маъқуллади. "Буни ўзимиз ҳам биламизу, ўзгалардан эшитиш бошқача ҳузур бағишлар экан", деди автобус ҳайдовчиси мароқ билан.

Демак, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турувчи маънавий муҳит бугун ўз жамолини кўрсатди. Деярли ҳар бир ватандошимиз дилию тилида Ватан мадҳи, истиқлол таронаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловида янграётган алёрлар, тароналар завқи, дарҳақиқат, кўзларни қувонтириб, дилларни яшнатмоқда.

Танловнинг вилоят босқичи ҳокимлик, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида вилоят Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. Тадбир ташкилотчиларининг айтишича, вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўтказилган ҳудудий танловларда сараланган 21 нафар иштирокчининг ҳар бири вилоят босқичига пухта тайёргарлик билан келишган. Бу таҳсинга лойиқ. Танловда иштирок этган энг ёш ижрочи Тошкент туманилик боғча тарбияланувчиси Абдулла Мансуров, чирчиқлик мактаб ўқувчиси Шоҳруҳ Тоҳиржоновнинг маҳорати томошабинларни тўлқинлантириб юборгани рост.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: ҳакамлар ғолиблар номини эълон қилишмоқда.

Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.

Мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан Оҳангарон туманида спортнинг 12 тури бўйича туман ҳокимининг соврини учун беллашувлар бошланди.

СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилаётган мусобақа ҳудудларнинг жойлашувига қараб 5 гуруҳда ўтказилмоқда.

Тумандаги барча мактаб, маҳалла, корхона ва ташкилотларда мусобақанинг биринчи тур босқичлари бошлаб юборилди.

Наргиза ГАЗИЕВА.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Чирчиқ шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги "Устоз-шогирд" мактаби фаолларининг навбатдаги ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда Қибрай, Бўстонлиқ туманидаги умумтаълим мактаби ўқитувчилари, Республика Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари, таълим тизими мутахассислари иштирок этди.

Семинарда сўз олган таълим тизими ходимлари вилоятда таълим сифатини ошириш ва "Устоз-шогирд" мактаби фаолиятини жонлантириш мақсадида "Касбий маҳоратни ошириш устахоналари" ташкил этилганлиги ва уларнинг педагоглар малакасини оширишдаги тутган ўрни ва самараси борасида тўхталишди.

Семинарда "Таълим тизимида ёшлар тарбияси", "Умумий таълим муассасаларида муаммоли вазиятлар ва низоларни бартараф этиш", "Педагогика ва андрогика", "Баркамол авлод – келажак пойдевори" мавзуларида маруза қилинди. Шунингдек, ўқитиш ва ўрганишнинг интерфаол усуллари, уларни қўллаш методикаси бўйича тавсиялар ўртага ташланди.

Семинар сўнгида иштирокчиларга вилоят халқ таълими бошқармасининг сертификатлари топширилди.

Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

ЮРАКДАН КУЙЛАНАР ЮРТ МУҲАББАТИ

Ярим асрлик умрини жўшқин ўлан, айтишувлар билан ўтказиб, юрт мадҳини халқаро танловларда ҳам тараннум этиб келаётган қибрайлик оқин Қулмахон Дуйсенов, Бўстонликдан келган етмиш ёшли Любовь Власовалар тилида янграган мустақил Ўзбекистон, унинг машҳур кишилари, қаҳрамонлари ҳақидаги фахриялар замирида шундай ўлкада, Ватанда яшаётганлигидан мамнунлик, шукроналик ҳисси бор. Ангренлик иқтидорли хонанда Анвар Тошматов эса 15 йилдан буён юрт мадҳини куйлаб келаётгани, ҳатто вилоят босқичи ғолиби бўлиш ҳам насиб этганлигини ғурур билан сўзлайди. Хуллас, танловнинг ҳар бир иштирокчиси ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Шундай бўлса-да, танлов ўз номи билан танлов. Унда ғолибларнинг бўлиши шубҳасиз. Лекин, ҳакамлар ҳайъати учун уларни аниқлаш осон кечмади.

– Бугунги иштирокчиларнинг ҳар бирини ғолиб деб атасак хато бўлмас, – деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Чунки, уларнинг чеҳрасидаги бахтиёрлик, самимийлик, Ватанига бўлган чексиз муҳаббат ифодалари ҳар қандай рағбатга лойиқ. Шундай бўлса-да, энг азиз байрамимиз – мустақиллик шодиёналарида иштирок эта оладиган ҳар томонлама етук маҳорат эгаларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

– Танлов қоидаларига кўра ғолиблар учта мезон – матн, мусиқа, ижро маҳорати бўйича аниқланади, – деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, композитор Анор Назаров. – Ҳар учала йўналиш бўйича аъло даражада яратилган асар албатта ғолибликка даъвогар бўла олади.

Шундай қилиб, танлов натижалари эълон қилинди. Аввало, қўрикнинг вилоят босқичига етиб келган барча – 21 нафар иштирокчига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи топширилиши маълум қилинди.

Тошкент туманилик Абдуллоҳ Мансуров, чирчиқлик Шоҳруҳ Тоҳиржонов "Энг ёш ижрочи" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Наргиза Кенжаева, Дилфуза Тўраева ҳамда Фахриддин Турсунзодага 3-ўрин насиб этди. 2-ўринни Олмалиқ шаҳридан Алишер Халилов эгаллади.

Ўзининг ижро маҳорати билан барчага бирдек манзур бўлган паркентлик Дилноза Акбарова 1-ўринга сазовор бўлди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҒАЛЛА – 2010

БОШОҚЛАРДА БАРАКА УНДИ

Икром Файзиев меҳнатидан барака топган фермерлардан. Бу йил унга қарашли "Файзи қора ота" фермер хўжалигининг 23 гектар ерида пишиб етилган "Краснодар-99" навли ғалла 42 центнердан ҳосил тўкди. Эл-юрт хирмонига 58 тонна ғалла топшириб, шартнома режасини 2 кунда уддалаган фермер яна қўшимча 40 тонна ҳосил йиғиб олди.

– Бунинг барчаси саховатли заминимиз иньоми, қолаверса, қилинган меҳнатлар самараси, – дейди Икром Файзиев. – Шунингдек, хўжалигимиз техника негизининг мустаҳкамлиги, уруғликнинг тўғри танлангани муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлди.

Айни кунда хўжаликда 5 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ғалладан олинган қўшимча ҳосил ҳисобидан уларга ҳам 1 тоннадан дон тарқатилди.

Эндиги барча эътибор ғўза парваришига қаратилмоқда. Ҳозирда шиғил кўсак боғлаган ғўза майдонларини навбатдаги озиқлантириш ишлари айни авжига чиққан.

Равшан РУСТАМОВ.

СУРАТДА: (ўртада) Икром Файзиев хўжалик аъзолари билан ўз меҳнатлари самараси – ҳосил чўғидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БУГУННИНГ ГАПИ

ТИНЧЛИККА НИМА ЕТСИН

Мустақилликнинг энг олий неъмати – эркин ва фаровон ҳаёт халқимизнинг бир умрлик орзуси эди. Зотан, тинч ва осуда юртдагина тараққиёт бўлади, ҳаёт олға силжийди, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари авж олади.

Узоққа бормай, ўтган ой Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй берган воқеаларни бир эслайлик. У Юртбошимизнинг тинчлик йўлида олиб бораётган сиёсати нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади, буни эл яна бир бор кўнглидан ўтказди ва шу озод Ватан тинчлиги йўлида ҳар бир инсон хизмат қилиши кераклигини ҳам фарз, ҳам қарз деб тушунди.

Бугунги кунда жамиятда соғлом маънавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилада тўғри тарбия олган фарзанд келажакда ҳам ота-она юзини ерга қаратмаслиги, элдан ҳамиша олқиш олиши шубҳасиз. Фарзанд оиласига меҳр қўйса, ватанига ҳам садоқатли бўлади. Шу меҳр унга оққорани танитади, Ватан қадрини ўргатади ва бу юртни кўз қорачиғидай асраш кераклигини англатади.

Фарзанд тарбиясида энг биринчи вазифа ҳисобланган боланинг саводхонлигини ошириш булоқнинг кўзини очишдек ишдир. Китобга, тарихга ва қадриятларимизга бўлган ҳурмат ҳам айнан шундан бошланади.

Мамлакатимизда келажак авлоднинг ҳарф танишидан тортиб, дунёвий илмларни эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Хизмат юзасидан яқинда тоғли туманларнинг олис қишлоғида бўлишга тўғри келди. Бу ерда янгидан қурилган мактабни кўриб, аввал ҳайрон, сўнг эса хурсанд бўлдим. Ҳайронлигим – бундай замонавий кўринишдаги мактабни шаҳарда ҳам кам учраши бўлса, хурсандлигим – қалбимда қандайдир фахрланиш туйғусини ҳис этиш эди.

Юртда бўлаётган ҳар бир ўзгариш ёшларимиз онгида чуқур из қолдиради. Ҳозирги кунда юзлаб коллежларда ўқиётган ёшларимизнинг хатти-ҳаракатларига ҳеч эътибор берганмисиз? Улар ўзларини катта одамлардек тутиб, босиқлик ва вазминлик билан шундай жиддий мавзуларда суҳбатлашишадики, ҳавасингиз юз чандон ортади. Юртнинг келажаги ақлли ёшлар билан яна ҳам гуллаб-яшнашига ишонасиз.

Бундан йигирма йиллар илгари бугун қишлоқларимизга ажойиб файз-тароват бахш этган бундай коллежлар қурилишини тасаввур ҳам қила олмасдик. Не бахтки, биз шундай саодатли кунларга етишдик. Бунинг энг катта сабаби юртимиздаги тинчликнинг барқарорлигидир!

Маълумки, ҳар бир оиланинг тўқ ва фаровон яшаши учун аввало рўзғори бут бўлиши керак. Бунинг учун эса фермерлик дейсизми, касаначилик ёки деҳқончиликми, хуллас барча соҳаларда йўл очиқ.

Яқинда 21 ёшли бир тадбиркор йигит билан суҳбатлашдим. У дунёнинг ўндан ортиқ давлатларида бўлганини, ҳозирда чет эл технологияси асосида мевалар ва сутни қайта ишловчи мини цехга эгалигини айтди. Юртдаги тинчлик ёшларимизга нақадар улкан имкониятларни яратиб бераётганидан ғурурландим.

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил", деган ажойиб бир нақл бор. Унинг замиридаги теран маънони чуқур ҳис этган инсон бугунги саодатли кунларга ҳамиша шукроналик туйғуси билан яшаши аниқ.

Наргиза АҲМЕДОВА.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар тасвирий санъат намоёндаларини ва бошқа ижодкорларни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни тарғиб қилиш, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлоднинг она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёндаги иштирокини, элюрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга даъват этиш мақсадида мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" танловига таклиф этадилар.

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;

– Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари;

– Тасвирий санъат асарлари.

Тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб жўнатилиши керак:

– муаллиф ва унинг касбий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллиф паспортининг нусхаси;

– иш жойидан тавсияномa;

– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Ижодий ишлар 2010 йилнинг 25 июлига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

– Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси;

– Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими;

– Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.

Телефон: 233-64-95.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

"Пойтахт" бизнес марказида "Микромолиялаштириш тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ҲАР СОҲАДА МАЛАКА ЗАРУР

Республика Марказий банки ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Микромолиялаштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда Марказий банк ва унинг минтақавий бўлимлари ходимлари ва халқаро мутахассислар иштирок этди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда микромолиялаштириш тизимини янги босқичга кўтариш, мавжуд фаолиятни такомиллаштириш ва тартибга солиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Марказий банк ходимлари малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини янада жонлантиришдан иборат.

Шунингдек, иштирокчилар микромолиялаштиришдаги хатарларни бартараф этиш йўллари ва уларни бошқариш услублари билан танишиб, соҳа фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилишнинг натижаларини муҳокама қилишди.

"Туркистон-пресс".

ТОҒ БАҒРИДА «БОЙЧЕЧАК»

Ёзги таътил мавсуми давом этаётган шу кунларда болажонлар сўлим оромгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб, мароқли дам олмоқда.

Вилоятдаги мавжуд 12 оромгоҳда болалар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Барча оромгоҳларда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхоналар, турли тўгараклар ташкил қилинган.

Ўқувчиларнинг ҳар бир куни мазмунли ва мароқли ўтиши учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда "Ёзни – "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида қизиқарли тадбирлар, интерфаол ўйинлар ташкил этилмоқда.

Оромгоҳларда "Энг яхши китобхон", "Энг яхши рассом" каби танловлар, "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир", "Огоҳлик – бурч, ҳушёрлик – масъулият" мавзуларида маърифий дастурлар, мушоиралар ташкил этилмоқда. Таниқли олим, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар болаларга бир олам завқ бағишлаётир.

Паркент туманидаги тоғ бағрида жойлашган "Бойчечак" оромгоҳида мавсумда бир ярим минг нафардан зиёд ўғил-қиз дам олади. Ётоқхоналар, ошхона, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари болажонлар ихтиёрида. Бу ерда иккинчи босқичда 300 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ОРАСИДА

МАҲАЛЛА БОР ЭКАН, ОДАМИЙЛИК ЎЛМАЙДИ

– 19 нафар шундай касаначимиз бор, – дейди туман бандликка кўмаклашиш марказининг инспектори Нарима Пиримқулова. – Улар учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз.

– Конкрет нима ёрдам беряпсиз? – сўрайман ўзимча уни тилидан тутмоқчи бўлиб. – Ҳужжатларни расмийлаштирганингиз билан мақтанманг фақат, – дея қўшиб қўяман жиддийлик билан.

– Айни кунларда фабрика ва заводлардан буюртмаларни "ундириш" ҳаракатида юрибман. Агар касаначиларимизни доимий буюртма билан таъминласак, уларни доимий, муқим иш ва даромад билан таъминлаган бўлардик, – дейди Нарима опа куюнчаклик билан.

Инспекторнинг айтишича, 14 мингдан зиёд одам истиқомат қилаётган Чинободда касаначилик аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш учун қўшимча имконият яратмоқда. Ҳозирда бу ерда икки киши расман ишсизлик мақомига эга, холос. Маҳалла аҳлининг 438 нафари (шундан 208 таси аёллар) фермер хўжаликларида, 34 нафари (шундан 16 нафари аёллар) деҳқон хўжаликларида доимий даромад манбаига эга. Умуман, 1703 киши, шундан 570 нафари аёллар, фойдали меҳнат билан банд. 480 киши савдо ва умумий овқатланиш тизимида, 366 киши, шундан 312 нафари аёллар соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида ишлайди...

– Бир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида шунча киши учун иш ўрнига эга корхоналар мавжудми? – сўрайман шубҳаланаётганимни яширмай.

– Ҳудудда 27 та фермер хўжалиги мавжуд, – суҳбатга қўшилади Ҳайдар ака. – Маҳаллаларимиз аҳолиси асосан қишлоқ хўжалигида банд. Битта чорвачилик мажмуаси, 3 та иссиқхона бор. Ғаллачилик, сабзавот ва узумчилик бизда етакчи ўрин тутади. Энди саволингизга келсак, пойтахтга яқинлигимиз боис, кўпчилик шаҳардаги корхоналарда хизмат қилишади. Аммо ўзимизда ҳам инфратузилма яхши ривожланган. 4 та новвойхона, 12 та озиқ-овқат ва хўжалик дўконлари, 2 та сартарошхона ҳамда 3 та мактабгача таълим муассасаси ва яна шунча ўрта умумий таълим мактабимиз бор.

– Англашимча, ҳудудда касб-ҳунар коллежлари қурилмаган. 9-синфларни битирган ўқувчиларнинг кейинги тақдири қандай кечади? – сўрайман Ҳайдар акадан.

– Улар атрофдаги маҳаллаларда жойлашган тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, молия, агротижорат касб-ҳунар коллежларида, шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт коллежида ўқишни давом эттиришади. Баъзи ёшларимиз эса пойтахтдаги таълим даргоҳларида ўқишни маъқул кўришади.

Оқсоқол Ҳайдар Ғафуров ва котиба Наргиза Убайдуллаева ҳамроҳлигида "Чинобод" маҳалласи бўйлаб сайрни давом эттирамиз. Суҳбат айланиб, одамларнинг яшаш тарзига бориб тақалади.

– Маҳалламиз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги энг катта маъмурий бирлик ҳисобланиб, 2900 киши истиқомат қилади, – дейди Наргиза опа. – Тегишли мезонлар бўйича, 50 та оила ўзига тўқ ҳисобланади, 550 таси ўртаҳол, 70 таси кам таъминланган.

– Шундай оилаларнинг бирортаси билан танишсак бўладими? – дейман Ҳайдар акага қараб.

Муқимий кўчасида яшовчи Норжоной момо Режеметованинг дарвозасини тақиллатамиз. Эшикни очган кампир бизни ичкарига бошлайди. Котибнинг айтишича, бу хонадонда момо, бева келини ва неваралари истиқомат қилишар экан. Демак, боқувчи йўқ.

– Шукр болам, бировдан кам, бировдан зиёд, тириқчиликни тебратиб турибмиз, – синиқ илжаяди Норжоной момо. – Давлатни "пенса"-си, маҳалла-кўй ёрдами билан рўзғор ўтказяпмиз.

– Маҳалла қандай ёрдам кўрсатаяпти?

– Хабар олиб туришади, барака топишсин ишқилиб.

– Ўғлингиз вафот этганига анча бўлдими?

– Анча бўлди, пайвандчи эди, раҳматлик. Узоқ йиллар бурун ошқозонини операция қилдирганди. Операция пайтида латта қолдириб кетишган экан. Қорнида оғриқ босилмай, охири ҳаётдан кўз юмди, – кампир унсиз йиғлай бошлади.

– Охирги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар туфайли, ҳозир тиббий хизмат анча яхшиланиб қолди, – дейди котиб Наргиза опа. – Буни Чинободдаги қишлоқ врачлик пункти, "Сарбон" хусусий корхонасига қарашли тиш даволаш кабинети ва "Эргаш ота" хусусий дорихонаси мисолида ҳам кўрса бўлади. Улардаги энг замонавий тиббий техника ва малакали шифокорлар доимо халқ хизматига шай. Аввалари мураккаб жарроҳлик амалиётлари қишлоқдаги касалхоналарда қилинган бўлса, энди бундай операциялар фақат ихтисослашган, марказий тиббий муассасаларда ўтказиляпти.

– Маҳаллада савобталаб тадбиркорлар, ҳомийлар йўқми?

– Кўп дея олмайман-у, аммо бор, – деб гап бошлайди Ҳайдар ака. – Беш гектарлик иссиқхонага эга Шуҳрат Мираҳмедов муҳтожларидан ҳеч қачон ёрдамини аямаган. Ҳар байрамда элга дастурхон ёзиб, кам таъминланган оилаларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатади. Яна, Турсунбой Раҳмонқуловдан ҳам маҳалла миннатдор. У кишининг саховатидан ҳам манфаатдор бўлган оилалар кўпчиликни ташкил этади.

Нафсиламбирини айтганда, мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатининг шарофати билан маҳалламизда зориқиб қолган одам йўқ. Қимирлаган жон борки, ризқини топади. Нафақа ва моддий ёрдам пуллари ўз вақтида бериб борилаётгани туфайли, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг ҳам рўзғори бут. Ёшлигимизда хусусий мулкка эга бўлиш, бой бўлиш катта жиноят саналарди. Энди эса шароит бошқача. Тадбиркорлик қиламан, бировдан кам яшамайман, деган одам учун ҳамма шароит муҳайё. Ҳудудимизда 3 та хусусий ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритяпти. Яна қанча маҳалладошларимиз пойтахт ва бошқа маҳаллаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўз бизнесига эга. Буларнинг барчаси мустақилликнинг, истиқлол берган эркинликларнинг шарофати.

Бир уйнинг олдидан ўтиб кетаётганимизда Ҳайдар ака тўхтаб, менга ранжиган қиёфада ўгирилди:

– Аммо мана шу неъматларнинг шукрини келтирмаган, хом хаёллар билан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб юрган одамлар ҳам бор орамизда.

Мен оқсоқолга саволомуз тикилдим.

– Ҳайрон бўлманг, мана шу уй соҳиби гарчи ёши бир жойга бориб қолган бўлсада, "халифалик қурамиз", деб юрган бузғунчиларнинг таъсирига тушиб қолди. Қанча насиҳатларимиз, тушунтириш ишларимиз бекор кетди. Ахийри муносиб жазосини олди. Эҳтимол, панжара ортида ўз хатоларини англаб етар... – Афсус билан бош чайқади оқсоқол.

Кўнглимиз ғашланганча анча вақт жим кетдик. Шунда бир гуруҳ болакайларнинг кетма-кет салом бериб, ёнимиздан югуриб ўтиб кетгани хаёлимизни бўлди. Уларнинг орқасидан ҳавас билан тикилиб қолдик.

– Келажак шуларники, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик яқин йилларда самара бера бошлайди. Янги авлод юртимизни энг буюк давлатга айлантиради ҳали, – деди Ҳайдар ака ишонч билан. – Ҳозир ҳам анҳорга ошиқишяпти чоғи, азаматлар... Ёшлардаги ғайратга, фикрларининг тиниқлигига, буюк орзуларига ҳавасим келади. Шижоат уларни тарк этмасин, ишқилиб.

Ниҳоят, маҳалланинг кучи, аҳамияти нимада эканини тушунгандек бўлдим. Маҳалла – бирдамликнинг, меҳрибонликнинг тимсоли экан. Маҳалла – лоқайдлик, яккабошликнинг акси экан. Маҳалла бор экан, ҳеч ким эътиборсиз қолмайди. Маҳалла бор экан, ҳеч бир иллат фазилатлар устидан ғолиб бўлмайди.

Қуёш тиккага келиб қолган, буёғи ғалла ўрими борасида оқсоқолга тинимсиз қўнғироқ бўлиб турибди... Мен ҳам чарчаганимни, аммо кайфиятим кўтаринки эканини пайқадим.

"Истиқлол" маҳалласи раиси Тўлқин Раҳимовнинг "Нива"сида Чинободни тарк этарканман, куним бекор ўтмаганини ҳис қилдим. Ҳатто машинанинг очиқ ойнасидан уфураётган қайноқ ҳаво ҳам кайфиятимни буза олмади. Аксинча, қуёшли юртда, қайноқ қалбли инсонлар билан ҳамнафас яшаётганимни яна бир бор эслатиб қўйди, гўё...

Абулфайз САИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КЎРГАЗМА

ЯПОН КИМОНОСИ

"Кимоно" деса кўз олдимизда япон миллати гавдаланади. Кимонода япон халқининг урф-одатлари, минг йиллик анъаналари мужассам. Ўзбекистон Бадиий академиясида япон кимонолари кўргазмаси бўлиб ўтди.

"Юз япон кимоноси" номли ушбу ноёб кўргазмада болалар, эркак ва аёллар кимоноси, тантанали маросимларда кийиладиган кимоно, уйда кийиладиган – кундалик кимонолар намойиш этилаётир.

Экспозиция доирасида "Тетениши" ўрта мактаби, "Тайто" бошланғич мактаби каби ўқув масканлари ўқувчилари томонидан чизилган расмлар намойиш этилди.

"Туркистон-пресс".

БАНДЛИК

ҲАРАКАТ ВА ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Аҳолини иш билан таъминлаш, реал даромадини оширишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Кейинги йилларда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳалари жадал ривожланмоқда. Бу ўз навбатида, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, жойлардаги инфратузилмаларни ривожлантириш имконини бераётир.

Хусусан, Оққўрғон туманида аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш борасида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида имкониятлар янада кенгайди. Чунончи, туманда бандлик муаммосини ҳал этишнинг самарали шакллари – касаначилик ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган дорихоналарда чакана товар айланмаси ҳажми 197,3 фоиз, деҳқон бозорларида 134,2 фоиз, кичик бизнесда 132,3 фоизга ортганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида аҳолининг 10 минг 254 нафари, саноатда 615, қурилишда 115, транспорт соҳасида 312, савдо, умумий овқатланиш корхоналарида 369 киши меҳнат қилаётир.

Янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш туфайли туман иқтисодиёти барқарорлашиб, аҳолининг бандлик даражаси ошаётир.

Камолиддин АСҚАРОВ.

ГАДОЙДАН САДАҚА СЎРАШ

эс-ҳуши жойида бўлган кишиларнинг иши эмас

Бир неча бор ишонтирилганига қарамай, Тожикистон раҳбарлари аҳолини Роғун ГЭСи акцияларини сотиб олишга мажбур қилишда давом этишаяпти. Шу электр станциясини деб ташкил этилган кенг кўламдаги оммавий сафарбарликнинг миллатни янада чуқурроқ қашшоқликка маҳкум этаётганидан дарак берувчи дастлабки белгилари кўзга ташланмоқда. Маъмуриятнинг Тожикистон "хурмачаси"га сиғмайдиган даражадаги улкан бу қурилиш учун иложи борича кўпроқ маблағ тўплашга зўр бериб уриниши фақат аҳолини янада қашшоқлашуви ва шундоқ ҳам бутун мамлакатдаги ночор ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг баттар чуқурлашувига олиб келади, холос.

Яқинда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (БОД)нинг Тожикистон бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги мониторингининг янги натижалари эълон қилинди. У фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги баҳолаш ва мувофиқлаштириш гуруҳи тақдим этган ахборот асосида тайёрланган бўлиб, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги таназзулга юз тутганлигини кўрсатиб берди. Муаллифларнинг фикрига қараганда, Тожикистонда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ вазият уч ойдан буён ёмонлашиб бораётгани кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Роғун ГЭСи қурилиши учун маблағ йиғиш компаниясидир. Айниқса, қишлоқ жойларда бу ҳол яққол сезилмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги сусайишидан мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғи азият чекмоқда.

Аҳвол шундай бўлишига қарамай, ГЭС учун аҳолидан кўнгилли-мажбурий тарзда маблағ тўплаш давом эттирилмоқда. Амалда йўқ объект акцияларини сотишга барча маъмурий ресурслар ва ҳуқуқий идоралар жалб этилган. Улар мамлакатнинг бирор фуқароси акциясиз қолмаслигини кузатиб боришлари керак. Тегишли номиналдаги акцияларни мажбуран сотиб олиши лозим бўлган у ёки бу аҳоли қатлами учун маълум даражада тарифлар жорий этилган. Бунга итоат этмайдиганлар маъмурий-жиноий жавобгарликка тортилади, жумладан, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилади.

Суғд вилоят ҳокимлиги раҳбарлари ўрта мактабларнинг ҳар бир ўқувчисидан ҳар ойда бир сомонийдан пул йиғиб олиб, Роғун қурилишига йўналтириш ҳақида норасмий фармойиш бердилар. Вилоятнинг олий ўқув юртларида ҳам шу тартиб жорий этилмоқда. Ҳар бир талаба ойига камида 100 сомоний (25 доллар)ли акция сотиб олиши лозим.

Бюджет ташкилот ва муассасалари ходимларининг ойлик маошларидан, эгаллаб турган лавозимларига қараб, ҳар ойда 100 дан 500 сомонийгача пул ушлаб қолиниб, шунга яраша акция берилади. Агар кимдир бу мажбуриятдан бош тортса, ишдан бўшаш ҳақида мажбурлаб ариза ёздирилади. Талаба ва ўқувчилар эса олий ўқув юрти ва мактабдан ҳайдаладилар.

Чет элларга иш қидириб кетадиганлар ҳам акция сотиб олиш ташвишидан ҳоли эмаслар. Авиакомпанияларда уларга чипта сотишда Роғун ГЭСининг камида 100 сомонийлик акциясини кўрсатишни талаб қиладилар. Ким бу талабга бўйсунмаса, унга чипта сотилмайди.

Тожикистон Республикаси давлат молия назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги директори, милиция генерал-майори Ф. Саидов Суғд вилоятининг барча тадбиркорлари Роғуннинг 100 сомонийдан 25 минг сомонийгача акциясини сотиб олишлари шартлиги тўғрисида кўрсатма берди. Кимки бунга амал қилмаса, фаолияти агентлик томонидан қатъий текширилади.

НИГОҲ

Пойтахт ҳокимлиги ходимлари Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари хизматчиларини жалб этган ҳолда тўй қилмоқчи бўлган оилалардан камроқ сарф-харажат қилиш ва тежалган маблағга акция сотиб олишни талаб қилаяптилар.

Бундан ташқари, Тожикистон раҳбарлари фермер хўжаликлари бошлиқларидан пул тўплаш талабини қўйдилар. Фермерлар ҳар гектар ер ҳисобидан 350 сомоний тўлашга мажбурлар. Кимки ушбу талабни бажармаса, хўжалик фаолияти текширувдан ўтказилиб, қонунбузарликлар аниқланса, жиноий жавобгарликка тортиш чоралари қўлланилади.

Кўриниб турибдки, республика ҳукумати Роғун ГЭСи акцияларини сотиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Ҳатто, шахсий автомобиль эгалари учун "махсус" давлат белгиси рақами аукцион савдосини ўйлаб топишди. Айтишларига қараганда, мобиль алоқа компаниялари "кумуш", "олтин" ва "платина" телефон рақамларини алоҳида сотишни одат қилишаяпти. Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси "2000" ёки "2333", шунингдек, сонлари такрорланадиган "2121" ёки "2112" каби рақамларни сотишни режалаштирмоқда. Бу давлат белгиси рақамларини ҳаммасига бир хил бошланғич нарх – 225 сомоний қўйилган. Кимошди савдоси очиқ бўлиб, барча иштирокчилар савдо бошланиши олдидан бошланғич нарх – 225 сомоний тўлаши шарт. Кимошди савдоси ғолиби ютиб олган миқдордаги пулни тўлайди. Давлат рақамларини сотишдан тушган ҳамма маблағ Роғун ГЭСи қурилиши жамғармасига ўтказилади. Автомашиналар ойнасини қорайтиришга рухсат берилгани учун тўланадиган 500 доллар ва рухсатсиз қорайтириб олганлар тўлайдиган 1000 доллар жарима ҳам ўша жамғармага тушади. Шундай қилиб, ҳозирча, икки мингдан зиёд шахсий машина эгалари рухсатнома олдилар.

Почохон САИДУМРОНОВ.
TAJMIGRANT.COM.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 19

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00 "Таҳлилнома".
8.45 "Маънавият" дастури.
9.45 "Бизнинг кутубхона".
10.05 "Бўрининг саргузаштлари". М/ф.
10.55, 17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 4.00 "Ахборот".
11.15, 00.45 "Радиога ташриф".
11.30 "Юртим бўйлаб" дастури: "Қўриқхонанинг тўрт фасли".
12.55 "Изҳор".
13.00, 20.10 Сериал "Муҳаббатим - қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20 "Ватанпарвар".
15.05 "Олам ва одам" дастури.
16.05, 23.50 "Менинг оилам".
16.30 "Кунларнинг бирида"
16.40, 5.25 "Ўзбекистон табиати".
17.15 "Ҳаёт ва қонун".
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
18.05, 3.00 "Олтин мерос".
18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
18.50 "Ифтихор".
18.55, 2.35 "Ватан манзиллари".
19.20 "ТВ - шифокор".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Қатновдаги қоидабузарлик".
21.55 "Қирол ва мен".
22.45 "Нейрохирург".
23.25, 5.45 "Очун".
00.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Табиат билан суҳбат".
4.35 "Мен ёшликман".
4.50 Телетеатр: "Дилафрўзга тўрт ошиқ".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00, 19.30 "Кумуш".
8.50, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.10 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 15.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Сериал "Балойи нафс".
12.50 "Миллий мерос".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Бугун".
15.00 "Келажак эгалари".
15.20 "Шарқ гавҳари".
15.50 "Миллий мерос".
16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Кичкинтойлар боғи".
17.00 "Болалар табассуми".
17.10 "Пуаро". Т/с.
18.00 "Илҳом қанотлари".
18.50 "UzEX".
20.20 "Давр мавзуси".
20.30 "Автопатруль".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Саргузашт излаб". Б/ф.
1.00 "Шарқ оҳанглари".
2.30 "Найранг". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Икки соҳил". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 17.20 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.15,3.30 "Болажон қиз". Б/ф.
10.40 "Болаликка қайтиб".
11.00 "Бахт ўзи нима?". М/ф.
11.10 "Саргузаштлар ороли".
11.30 "Тақдиринг қўлингда". Б/ф.
12.40 "Шунақа гаплар".
13.55, 19.55 "Ўйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00,5.00,7.00 "Пойтахт".
15.45,2.20 "Тирик сайёра: Оқ айиқлар".
16.40 "Гуффи ва Микки". М/ф.
17.35,6.30 Сериал "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
18.25 "Кўнгил риштаси".
19.35 "Кадр ортида".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати".
22.05 "Экономическое ревю".
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.20 "Папа студентки". Х/ф.
23.40 "Будьте здоровы".
00.25 "Хозяин морей. На краю земли". Х/ф.
3.15 "Эртамиз эгалари".

СЕШАНБА 20

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.25 "Болалар дунёси".
9.55 Навоий вилояти телерадиокомпанияси намойиш этади: "Нурота чашмаси".
10.15 "Сизнинг адвокатингиз".
10.20, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.
11.15, 18.10 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Ифтихор".
13.00, 20.10 Сериал "Муҳаббатим - қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20, 23.55 "Ойдин ҳаёт".
15.10 "Олам ва одам" дастури.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Ҳудудлар ҳаёти".
16.25, 00.45 "Мен ёшликман".
16.40 "Ўзбекистон табиати".
17.15 "Зийнат".
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
18.00, 3.00 "Олтин мерос".
18.40, 2.40 "Навоийни англаш".
19.00 "Истеъмолчи".
19.10 "Кун мавзуси".
19.20 "ТВ - шифокор".
20.45 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Одамлардан бири".
22.50 "Нейрохирург". Т/с.
23.30, 5.45 "Очун".
4.35 "Кунларнинг бирида".
4.45 Телетеатр: "Дилафрўзга тўрт ошиқ".
5.25 "Ўзбекистон табиати".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00, 19.30 "Кумуш".
8.50, 12.30, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.10 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 15.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Сериал "Балойи нафс".
12.50 "Миллий мерос".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Яшаш сирлари".
14.40 "Ўзбегим".
15.00 "XXI аср технологиялари".
15.20 "Шарқ гавҳари".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Сирли ўрмонча".
17.00 "Болалар табассуми".
17.10 "Пуаро". Т/с.
18.00 "Инсон психологияси".
18.30 "Чемпион".
20.20 "Нуқтаи назар".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Шахмат қироли ва унинг ўғли".
1.00 "Ҳаётбахш наволар".
2.30 "Қанотлар парвози". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Зўр ўтиримиз". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.40 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Истеъдод".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00,5.00,7.05 "Пойтахт".
9.40, 20.20,7.20 Бизнес-"Пойтахт".
9.45 "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
10.10 "Қонун доирасида".
10.40 "Кавингтон Кросс".
11.05 "Будьте здоровы".
11.15,3.20 "Мудҳиш хато". Б/ф.
13.55, 19.50 "Ўйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45,2.15 "Тирик сайёра: Илонлар".
16.50 "Гуффи ва Микки". М/ф.
17.25 "Ҳимоя".
17.35,6.30 Сериал "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
18.25 "Кўнгил риштаси".
19.35 "Менинг маҳаллам".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.05 "Репортаж".
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.20 "Громобой". Х/ф. 2-қисм.
23.45 "Будьте здоровы".
00.20 "Двадцать одно". Х/ф.
6.55 "Саломат бўлинг!"

ЧОРШАНБА 21

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.30 "Рекснинг саргузаштлари". М/ф.
10.00 "Ягона оилада".
10.20, 21.55 "Қирол ва мен". Т/с.
11.10, 19.20 "ТВ - шифокор".
11.15, 18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.50 "Истеъмолчи".
12.55 "Кун мавзуси".
13.05 "Изҳор".
13.10, 20.10 Сериал "Муҳаббатим - қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20 "Дунё манзаралари".
14.40 "Эркин иқтисодиёт".
15.05 "Олам ва одам" дастури.
16.00 "Саломат бўлинг!"
16.20, 00.40 "Рангин дунё".
16.40, 5.25 "Ўзбекистон табиати".
17.15 "Таълимга эътибор - келажакка эътибор".
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
18.05, 3.00 "Олтин мерос".
18.50, 00.15 "Буюк аждодларимиз".
19.15 "Ифтихор".
20.45 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Мен ёшликман".
22.40 "Хўрланганлар". Б/ф.
23.45, 5.45 "Очун".
2.00 "Гуллар жозибаси".
2.35 "Одамлардан бири".
4.35 "Мен ёшликман".
4.50 Телетеатр: "Дилафрўзга тўрт ошиқ".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00, 19.30 "Кумуш".
8.50, 12.30, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.10 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 15.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Сериал "Балойи нафс".
12.50 "Миллий мерос".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Автопатруль".
14.40 "Ватанпарвар".
15.20 "Шарқ гавҳари".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Китоб - офтоб".
17.00 "Болалар табассуми".
17.10 "Пуаро". Т/с.
18.00 "Қорақалпоқ ёшлари".
18.20 "Тошкент кўприклари".
18.30 "Келажак эгалари".
20.20 "Кошинлар қўшиғи".
22.30 Сериал "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Афсона". Б/ф.
1.30 "Миллий мерос".
2.30 "Қора қискичбақа чангалида". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Ўрдаккўл воқеаси". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.10 "Карвонсарой".
8.40, 15.10 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Ҳаёт фалсафаси".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00,5.00,7.05 "Пойтахт".
9.50 "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
10.15 Камер оркестрининг концерти.
10.45 "Кавингтон Кросс".
11.10, 22.05, 23.45 "Репортаж".
11.20,3.25 "Келиннинг отаси". Б/ф.
13.55 "Ўйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.40 "Таянч нуқтаси".
16.20 М/ф "Моҳир қўллар".
16.40 "Саломат бўлинг!"
16.50 "Ислоҳот одимлари".
17.05 "Шунақа гаплар".
17.20 "Фан ва тараққиёт".
17.35,6.30 "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
18.25 "Кўнгил риштаси". Т/с.
19.35 Адабий портрет.
20.20 Эко-"Пойтахт".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.20 "Полосатый рейс". Х/ф.
00.25 Ночной сеанс: "Непобедимый". Х/ф.
2.20 Планета земля: "Пишеры". Х/ф.
3.10 "Кадр ортида".
6.55 "Саломат бўлинг!"

ПАЙШАНБА 22

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият".
9.40 "Цирк, цирк, цирк".
10.00 "Дангаса қиз". М/ф.
10.10, 22.10 "Қирол ва мен". Т/с.
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55, 19.05 "ТВ - шифокор".
11.15, 18.10 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Ифтихор".
13.00 "Изҳор".
13.05, 20.10 "Муҳаббатим - қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20, 2.40 "Бир ўлка-ки".
14.40 "Тараққиёт ва фаровонлик сари".
15.05 "Ер сайёраси".
15.55 "Тезкор хабарлар".
16.05 "Маҳалла".
16.25 "Мен ёшликман".
16.40, 5.25 "Ўзбекистон табиати".
17.15 "Қонун ҳимоясида".
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
18.00, 3.00 "Олтин мерос".
18.45 "Бир жиноят изидан".
19.10 "Кун мавзуси".
20.45 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Шукрона ва истироб".
22.55 "Хўрланганлар". Б/ф.
00.00, 5.45 "Очун".
00.15 "Тарих кўзгуси".
00.40 "Зийнат".
2.35 "Ҳаёт манзаралари".
4.35 Телетеатр: "Хасан Кайфий".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00, 19.30 "Кумуш".
8.50, 12.30, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.10 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 15.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Сериал "Балойи нафс".
12.50 "Миллий мерос".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Соғлик - бойлик".
14.40 "Келажак эгалари".
15.00 "Қорақалпоқ ёшлари".
15.20 "Шарқ гавҳари".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Сирли ўрмонча".
17.00 "Болалар табассуми".
17.10 "Пуаро". Т/с.
18.00 "Давр мавзуси".
18.10 "Дуторчи қизлар".
18.30 "Нафс гирдоби".
22.30 Кино: "Сени излаб".
23.30 "Кунг-фу баскетбол". Б/ф.
1.10 "Миллий мерос".
2.30 "Авлиё Луканинг қайтиши". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Сирли шарча". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.45 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 Адабий портрет.
9.45, 20.20,7.20 Бизнес-"Пойтахт".
9.50, 17.35,6.30 Сериал "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
10.15,4.50 "Репортаж".
10.40 "Индаба". Т/с.
11.05, 22.05 "Интервью".
11.20 Жаҳон мусиқаси дурдоналари.
11.25,3.20 "Сичқон ови". Б/ф.
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45, 1.55 "Тирик сайёра: Тимсоҳлар".
16.35 Бизнинг футбол.
16.55 "Ўрмон эртаклари-2". М/ф.
18.25 "Кўнгил риштаси". Т/с.
19.35 Касбга ҳиёнат.
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.25 Комедия по пятницам: "Знакомтесь Дейв". Х/ф.
00.25 Ночной сеанс: "Анализируй то". Х/ф.
3.05 Нима учун гуруҳи тақдим этади: "Шунақа гаплар".

ЖУМА 23

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.30 "Қозиқ". М/ф.
9.55 "2010 йил - Баркамол авлод йили". "Таълимга эътибор - келажакка эътибор".
10.15, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.
10.55, 19.20 "ТВ - шифокор".
11.15, 18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Кун мавзуси".
13.00, 20.10 Сериал "Муҳаббатим - қисматим".
13.30 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20, 00.05 "Хонадон".
14.45 "Бир жиноят изидан".
15.10 "Олам ва одам" дастури.
16.05, 00.30 "Мумтоз мусиқа".
16.35 "Ҳаёт манзаралари".
16.40, 5.25 "Ўзбекистон табиати".
17.15 "Саломатлик дастури".
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
18.05, 3.00 "Олтин мерос".
18.50 "Минг бир ривоят".
18.55 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.15 "Ифтихор".
20.45 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Бир ўлка-ки".
22.45 "Хўрланганлар". Б/ф.
23.50, 5.45 "Очун".
2.35 "Муқаддас қадамжолар".
4.35 Театр: "Хасан Кайфий".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.50, 12.30, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.10 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 15.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Сериал "Балойи нафс".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Қоялар". Х/ф.
15.00 "Чемпион".
15.20 "Шарқ гавҳари".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Соғлом авлод".
17.00 "Болалар табассуми".
17.10 "Пуаро". Т/с.
18.00 "Давр мавзуси".
18.10 "Дуторчи қизлар".
18.30 "Нафс гирдоби".
22.30 Кино: "Сени излаб".
23.30 "Кунг-фу баскетбол". Б/ф.
1.10 "Миллий мерос".
2.30 "Авлиё Луканинг қайтиши". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Сирли шарча". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.50 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 Эко-"Пойтахт".
9.20 "Ҳимоя".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00,5.00,7.05 "Пойтахт".
9.45 "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
10.10 "Фан ва тараққиёт".
10.40 "Кавингтон Кросс".
11.10,3.15 "Антиқа пойга". Б/ф.
13.55, 19.50 "Ўйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45 "Тирик сайёра: Акулалар". Х/ф.
16.35 "Умид юлдузлари".
17.00 М/ф "Ўрмон эртаклари-1".
17.15 Жаҳон мусиқаси дурдоналари.
17.20 "Дурдона".
17.35,6.30 Сериал "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
18.25 "Кунгил риштаси".
19.40,6.55 "Репортаж".
20.20 Бизнинг футбол.
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.00 "Экономическое ревю".
22.10 "Кино SMS со звёздами".
22.15 "Зачарованная". Х/ф.
00.30 "Анализируй это". Х/ф.
2.05 "Тирик сайёра: Акулалар". Х/ф.
3.00 "Ислоҳот одимлари".

ШАНБА 24

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.05 Кино: "Виждон".
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40 "Бизнинг кутубхона".
9.00 "Меҳрибон тулки". М/ф.
9.20 "Қирол ва мен".
10.00 "Минг бир ривоят".
10.05 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.25 "Рангинкамон". "Дидар".
11.05 "Оналар мактаби".
11.25 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
13.05 "Ифтихор".
13.10, 20.10 "Муҳаббатим - қисматим".
13.45 "Шарқ тароналари".
14.20 "Одил суд".
15.10 "Париж манзаралари". Б/ф.
16.15 "Минг бир маслаҳат".
16.35, 00.20 "Азизим".
17.05 "Ўйла, Изла, Топ!"
17.45 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
18.05 "Қорақалпоқ оҳанглари".
18.15 "Саломатлик сирлари".
18.35 "Бахшиёна".
18.55, 23.35 "Аньана".
19.20 "ТВ - шифокор".
20.45 "Кўнгил қушиқ истайди".
21.40 "Хейди". Б/ф.
23.15, 5.45 "Очун".
00.00 "Жаҳонни забт этган санъат".
1.35 Кино: "Юлдузингни бер осмон".
4.35 Кино: "Тақдир эшиги".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.20 "Мультипанорама".
8.00 Сериал "Лола".
8.40, 14.20, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 Кино: "Чинор остидаги дуэль".
13.10 "Автопатруль".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.40 "Қалпоқ". Ҳажвия.
15.10 "Илҳом қанотлари".
16.10 "Катта танаффус".
16.40 Миллий мультфильм.
16.50 "Тошкент илҳомлари".
17.00 "Уч бақалоқ". Б/ф.
18.30 "Кўзгу". Ҳажвия.
18.50 "Баркамол авлод".
19.30 "Тақдир қиссалари". Т/с.
20.30 "Айланай".
22.30 Кино: "Галатепалик авлиё".
23.30 "Учар ханжарлар макони". Б/ф.
1.10 "Рақслар гулдастаси".
2.30 "Бу шунақа ўйин". Б/ф.
4.00 "Тараннум".
4.40 "Холодильникда кимдир бор". Б/ф.
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00,5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.20 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Шунақа гаплар".
9.30, 10.30, 20.00, 21.30, 00.00,5.00,7.05 "Пойтахт".
9.50, 17.30,6.30 Сериал "Қирқ тоғаранинг қирқ ноғараси".
10.15 "Дурдона".
10.40 "Индаба". Т/с.
11.10 Касбга ҳиёнат.
11.35,3.30 "Гаройиб бола". Б/ф.
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.00 "Эртамиз эгалари".
16.05 "Премьера".
16.35,2.50 "Мулоҳаза учун мавзу".
17.00 "Санъатимиз хазинасидан".
18.05 "Ҳаёт фалсафаси".
18.25 "Кўнгил риштаси".
20.20, 00.20,6.55 Эко-"Пойтахт".
22.00 "Профессионал".
22.20 "Кино SMS со звёздами".
22.25, 00.30 Кино: "Наступить завтра или нет?" Х/ф.
2.00 "Тирик сайёра: Тимсоҳлар". Х/ф.

Юнусобод туманидаги 327-мактаб томонидан 2005 йилда Князев Руслан Шарустамович номига берилган U № 1543778 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план квартиры, ирасположенный по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, 5-квартал, дом 33 кв. 10, выданный БТИ Сергелийского района на имя Досмухамедова Абдукамола Абдузахидовича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный аттестат O'R-SH № 0024445, выданный в 2006 году школой № 147 Мирабадского района на имя Купайсиновой Гулжан Ахатовны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙТСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план земельного участка за № 40198, расположенный по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, 4-квартал, дом 53, коттедж 1, выданный БТИ Юнусабадского района на имя Нуритдинова Наджимитдина,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Общество с ограниченной ответственностью (MChJ) "EKIPAJ UNIVERSAL SERVIS", зарегистрированное в хокимияте Мирабадского района 21 октября 2009 года за № 004156-03, расположенный по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Фаргона йули 2-поворот, дом 109 (ИНН 206736839) уменьшает

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу йилнинг 3-17 октябрь кунлари Хитойда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг "В" гуруҳида Ироқ, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Баҳрайн футболчилари билан рақобатлашади. Бўлажак учрашувларга пухта тайёргарлик кўраётган футболчиларимиз навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Австрияда ўтказмоқда.

Ёшлар терма жамоасига устозлик қилаётган Марат Кабаев бу галги машғулотларга йигирма уч нафар футболчини жалб қилди. Ҳамюртларимиз Австрияда жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлик машғулотларидан ташқари бешта ўртоқлик учрашуви ўтказиши режалаштирилган.

М. Кабаев шогирдлари дастлабки ўртоқлик ўйинида мезбонларнинг "Улирих" жамоаси билан куч синашди. Ҳужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз рақиб жамоани 10:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Исроил Эргашев ва Сардор Рашидов иккитадан, Александр Лупашко, Сардор Мирзаев, Владимир Козак, Мирғиёс Сулаймонов, Павел Смоляченко ва Темурхўжа Абдуҳолиқов биттадан голга муаллифлик қилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ВАКИЛЛАРИМИЗ

– Ҳозир вилоятимиздаги 40 дан ортиқ тўгараклар гимнастикага қизиқувчи қизлар билан гавжум. Спорт гимнастикаси бўйича 17 та, акробатика йўналишида 11 та секция ташкил қилинган бўлиб, уларга жами 600 га яқин қизлар мунтазам қатнашмоқдалар. Машғулот хоналари керакли спорт жиҳозлари, турли анжомлар билан таъминланган. Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда вилоятимиздаги барча секциялар аҳволи, моддий-техник базаси ўрганиб чиқилди ва камчиликлар бартараф қилинмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан эса гилам ва гимнастикачилар учун кийимларга маблағ ажратилди. Қолаверса, қарор ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги махсус мактаб-интернат қошида, Бекободдаги 10 та мактабгача таълим муассасаларида, Бўка туманидаги Меҳрибонлик уйида янги секциялар очилиб, аллақачон фаолиятини бошлаган. Уларда шуғулланаётган ёш гимнастикачиларимиз республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Масалан, 2007 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи республика Гимнастрада фестивалида айнан бизнинг жамоа фахрли 1-ўринни эгаллади.

– Вилоятимиз гимнастика жамоаларининг республикада эришаётган ютуқларидан хабардормиз, улар билан фахрланамиз. Жаҳон ареналаридачи? Ўзбек қизлари ҳам дунё гимнастикачилари билан тенглаша оладиларми?

– Қизларимиз жуда шижоатли, интилувчан. Уларнинг жаҳон ареналаридаги ғалабалари ҳам талайгина. 2008 йилда Португалиянинг Алгарве шаҳрида нуфузли Европа Гимнастрада фестивали бўлиб ўтганди. Унда 24 кишидан иборат жамоамиз фаол иштирок этиб, 46 та давлат вакиллари орасидан "Фестивалнинг энг яхши жамоаси" номинациясини қўлга киритди. Айни пайтда улар 17-21 июль кунлари Германияда бўлиб ўтадиган мусобақага қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Шунингдек, мураббий Алла Болецнинг шогирдлари Лайло Расулова, Динара Йўлдошева жорий йилнинг июнь ойида Гладбахбергеш шаҳрида ўтказилган мусобақада муваффақиятли иштирок этишди. Ўтган йили ўтказилган "Baby" халқаро болалар турнирида эса бадиий гимнастикачиларимиз З. Абияметова, Н. Расуловалар ғолиб бўлишди. Бундан ташқари Вика Ким, Фотима Давлатова сингари ўнлаб иқтидорли ёшларимиз қатор нуфузли беллашувларда фахрли ўринларни эгаллаб, мамлакатимиз номини дунёга танитмоқдалар.

– Ёшларнинг эришаётган муваффақиятларида бевосита мураббийларнинг жонкуярлиги, меҳнати катта. Профессионал спортчиларни етиштириш учун аввало мураббийлар талабга жавоб берадиган, масъулиятни ҳис эта оладиган бўлишлари керак. Уларга яратилаётган имконият ва қулайликлар хусусида ҳам тўхталсангиз. Зеро, Президентимизнинг соҳага тегишли қарорида мураббийларни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари негизида малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш вазифаси қўйилган.

– Тўғри айтасиз, ёшларимизнинг юқори натижаларга эришишлари учун аввало, мураббийларимиз юксак касб маҳоратига эга бўлишлари лозим. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Федерация томонидан ўқув-амалий семинарлар, ўзбекистонлик жаҳон чемпионлари иштирокида кўргазмали чиқишлар уюштирилмоқда. 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали билан ҳамкорликда 30 нафар мураббий пойтахтдаги Тошкент давлат жисмоний тарбия институти қошидаги малака ошириш курсида ўқитилди. Шунингдек, халқ таълими бошқармаси билан биргаликда ҳудудий "Мастер-класс" ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Ҳозир Елена Тихонова, Элвира Юсупова, Назокат Сирожиддинова, Наргиза Раҳимова, Лариса Ви, Феруза Ражабова, Дилдора Ҳожиакбарова, Озода Крановаларнинг ўз касбининг усталари вилоятимизнинг Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Зангиота, Қуйичирчиқ, Пискент туманларида гимнастика сирларидан билим бериб, унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Нафиса Турғунованинг мураббийлар ҳақидаги жўшқин фикрларини эшитиб, чирчиқлик мураббий Елена Тихоновани ҳам суҳбатга тортдик.

– Биласизми, бу спорт тури, энг аввало, қизларимизни жозибали, латофатли бўлишларига хизмат қилиш билан бирга, чидамли, иродали қилиб тарбиялайди, – дейди Елена Тихонова. – Тўғри, баъзида дарс жараёнида қийналаман, чунки қизлар ичида беш ёшлилари ҳам бор. Уларга машқларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва кутилган самарага эришиш машаққатли меҳнатни талаб этади. Шундай бўлсада, бу касбни танлаганимдан афсусланмайман, негаки, у менга бебаҳо бойлик – соғлиғимни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қолаверса, билганларимни бўлажак гимнастика юлдузларига ўргатиш завқ бағишлайди.

Бир сўз билан айтганда, шогирдларимдан умидим катта, бир кун келиб улар ҳам гимнастикани янада юксалтириб, Ўзбекистонимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишларига ишонаман.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРБОЕВА суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: қизлар машғулотлар жараёнида.

Еркабой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАРАФОНИ

Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номли истироҳат боғида бўлиб ўтган спорт марафонида вилоятнинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ўзаро мусобақалашдилар.

300 метрли масофага югуриш марафонида 25 ёшдан катта 200 нафардан ортиқ маслаҳатчи қатнашди. Ҳаваскор спортчиларнинг маҳорати 4 та тоифага ажратилган ҳолда баҳоланди.

Хусусан, 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида олмалиқлик Шаҳринисо Азимовага тенг келадигани топилмади. 35-45 ёшлилар гуруҳида Юқоричирчиқ тумани вакили Матлуба Мирвалиева спортда ҳам моҳир эканини исботлади. 55 ва ундан катта ёшдаги аёллар орасида эса Оҳангарон туманилик Каромат Айнақулова биринчи бўлиб маррага етиб келди.

– Маслаҳатчилар нафақат одоби, балки спортга муносабати билан ҳам одамларга ўрнак бўлиши керак, – дейди Шаҳринисо Азимова. – Чунки спортга қизиқиш ҳам маданиятнинг бир кўриниши ҳисобланади. Аҳоли, айниқса, аёллар спорт билан дўстлашсалар, нафақат ўзлари ва болалари соғлом бўлишади, балки спорт оммавийлик касб этади.

Янгийўлда ўтган марафон бу фикрларнинг айни ҳақиқат эканини исботлади. Марафон сўнгида ғолибларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Абдулла САИДОВ.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ПАРҲЕЗИНГДАН ЎРГИЛДИМ

Ҳажвия

Тавба, қайси дўхтирга борсам, қадрдонидай кутиб олади. "Сиз бизнинг касалимизсиз, – дейишади ҳамдардлик билан елкамга қоқиб. – Юрак уриши тезлашган, жигар ишдан чиққан, буйрак фаолияти сустлашган, талоқ..."

Хуллас, қон томирларим тромб бўлган, умуртқа суягим қийшайган, ўт халтамда тош бор, кўричак қисталоқ ёрилай деб турибди! Қайси бирини даволатай?

Бу дардни бошидан кечирган танишлар табибга боришни маслаҳат беришди.

– Ўт пуфак, буйракка тош йиғилган, ошқозон бези яхши ишламаяпти, белингиз оғрийди, йўғон ичак шамоллаган, пантеократитингиз бор, – деди Тункатабиб. – Сизга тунка қўйиб даволаймиз.

Шу тариқа уч ҳафта мобайнида темир, мис, кумуш тункаларни баданимга ёпиштириб яшадим.

– Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз? – сўради Тункатабиб муолажадан кейин.

– Яхши, – дедим унинг арзимаган хизмат ҳақига рози бўлганидан қувониб. – Ўзимни қушдай енгил ҳис қилаяпман!

Албатта, муолажа ҳақи бир томонни ўпириб кетмаса, ҳар қандай мижоз ҳам хурсанд бўлади-да! Шундан кейин даволаниш лозим бўлса табибга борадиган бўлдим.

– Қалқонсимон без яхши ишламаяпти, – дейди томир уришимни санаркан табиб қурмагур. – Ўн икки бармоқли ичакда гастрит бор, йўғон ичак шамоллаган, простатит аденомага айланиш олдида турибди. Исканжабилни Осиё дамламасига қўшиб бир ой ичасиз. Фалон-фалон таомлардан парҳез қиласиз, ҳар куни эрталаб оч қорнига сийдик қабул қиласиз...

Энди буниси ўтиб тушди. Халқ табобати ҳозир шунчалик ривожланиб кетганки, ўзингдан чиққан чиқиндини ҳам ўзингга едирмоқчи бўлади. Ҳам текин, ҳам касалликни тузатаркан. Фалон жойда Лўттитабиб дегани чиқибди, деб эшитиб, унинг ҳам қабулига кирдим. Кун совуққина эди, бироқ, тез юриб келганлигим учунми, хонага кирганимда озгина тер босди.

– Қабулга етти минг тўланг, – деди рўйхатга олган ҳамшира. Тўладим. – Энди патинкангизни ечиб, нариги хонага киринг.

Хонада қиёфаси неондертал одам шамойилидаги Лўттитабиб ўтирган экан.

– Терлайсизми? – сўради у қўл томиримни ушлаб.

– Йўқ, тез юриб келганим учун озроқ терладим шекилли...

– Танангиздаги оқсил моддаси сийдик билан чиқиб кетаяпти, – хулоса қилди Лўттитабиб. – Меъда бези ишдан чиққан, йўғон ичак шамоллаган, ўт халтада тош бор, витаминлар тақчиллиги сабабли кўп терлабсиз. Оқсил моддасининг тақчиллиги полиомиелитни келтириб чиқаради...

Хуллас, Лўттитабибдан 26 минг сўмга турли гиёҳлардан ясалган суюқ дорилар билан дамламалар сотиб олдим. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, дегандай табиб шеър ҳам ёзаркан, "шиғир"лари жамланган тўпламини мажбуран сотди.

Муолажа қоғозида кўрсатилган хом сув, қовурма палов, ёғли гўшт, чакки, помидор, бақлажон, ароқ, пиво истеъмол қилманг, шакар, норин, лимон, карам, картошка, фанта, сақич, шўр бодринг, коньяк мумкин, деган тавсияга амал қилишим қийин бўлди.

– Паловсиз ҳаёт-ҳаётми? – деди улфатлар зиёфатда лаганга қўл чўзмай ўтирганимни кўриб. – Биздан ҳам хоҳлаганча касаллик топиш мумкин, лекин ўлдирса ҳам палов ўлдирсин!

– Ароқ ичмаётган бўлсанг, одамгарчиликдан чиқибсан-да! – деди ҳамкасбларидан бири хафа бўлиб.

– Қовурма емасангиз, карам шўрва қилиб берайликми? – дейишди меҳмондорчиликда.

Ишдан ҳар куни ҳушёр келаётганимни ва уйда овқат емаётганимни кўриб, хотин хавотирга тушди. Атрофимда гирдикапалак бўлиб, ҳали уни енг, ҳали буни енг, деб ҳоли жонимга қўймайди. Бир куни ишдан келсам, у ош қилиб, бир шиша ароқ билан мени кутиб ўтирибди.

– Биласан, дори ичаяпман, табиб ош ема, ароқ ичма деган, – хотинга зорландим.

– Табиб айтган бўлса, айтгандир, – деди у жиддий. – Менга табибнинг гапи эмас, сизнинг соғлиғингиз керак.

– Ош еб, ароқ ичсам, соғаяманми?

– Ош белни бақувват қилади, ароқ қонни суюлтиради, – деди хотин маъноли қилиб. – Кундан-кунга рангингизда ранг қолмаяпти, ундан кўра ҳар куни ароқ ичиб келганингиз минг марта маъқул эди...

Тўйга бориб рўза тутгандай ҳеч нарса тановул қилмаганимдан тўй эгаси хафа бўлди, зиёфатдан ҳушёр чиқишим дўстимни ранжитди, ўтиришда ароқ ичмаганим бошлиққа ёқмади. Туғилган кунда "юбиляр"ни хурсанд қилолмадим, фойдали ҳамкорлик келишувида ўша зорманда юз грамм етишмаганлиги учун ишим битмади.

– Хафа кўринасан, тинчликми? – сўради йўлда учраган улфатлардан бири. – Юр, бир чой-пой ичайлик, кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди.

Узримни айтаман деб оғиз очишга улгурмадим – у мени қўймасдан емакхонага судради.

– Биринчисига қовурма, иккинчисига кабоб, битта "Аврора" олиб кел, – деди у хизматчига.– Газагига чакки, помидор-бодринг, лимон, бир қути сигарет, гугурти билан...

– Мен ичмайман-чекмайман, қовурма таомлар емайман, газак ҳам қилмайман, – дедим улфатга иложи борича сиполик билан.

– Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси яхши бўлади, – деди улфат гапимга парво қилмасдан. – Дўхтир "Сен менинг касалимсан", дедими?

– Ҳа, – дедим.

– Ёзиб берган дориларини чўнтагинг кўтармаганидан кейин табибга учрагандирсан?

– Ҳаммасидан хабаринг бор экан, нега одамни аҳмоқ қиласан?

– Аҳмоқ қилаётганим йўқ, бошимдан ўтган, – деди у ароқни икки пиёлага тақсимлаётиб. – Мен ҳам дўхтир-табиб қилиб, бир ой аросатда юрдим. Суяк-суягим қақшаб, жондан ўтгандан кейин, бир ўтиришда оғзимга зўрлаб бир пиёла ароқ қуйиб юборишди, бадандаги ҳамма оғриқлар тақа-тақ тўхтаса бўладими? Аллапатолог оғайнимга мурожаат қилсам, "Кўнглинг тусаган овқатни еявер, оз-оз ичишни ҳам канда қилма, ҳаммаси яхши бўлади", – деди. Шундан буён соппасоғман.

Улфатимнинг гапи сабр косамни тўлдирган охирги томчи бўлди. Кўзни юмиб, бир пиёла ароқни уриб юбордим. Баданимнинг томир-томирлари жимирлаб, миямда электр чироғи "ярқ" этиб ёнгандай бўлди. Қовурма билан кабобни паққос туширириб, навбатдаги ароқнинг устидан тақиқланган газакни босдим. Улфат билан ачомлашиб хайрлашгач, уйга чайқалиб кириб бордим.

Қолганини эслолмайман. Эрталаб уйғонсам, оппоқ чойшабли кушеткада ётибман. Тепамда дўхтирнинг эски "пластинка"си айланяпти:

– Юрак уриши тезлашган, жигар ишдан чиққан, буйрак фаолияти суст...

Нурилла ОСТОНОВ.

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

Нафсга ҳаддан зиёд эркинлик беришнинг оқибати фалокатдир...

• • •

Ҳаётнинг мазмун-моҳиятини тушунган кишигина, ўз ортидан бошқаларни эргаштира олади...

• • •

Ҳаётдан ўзини қарздор деб ҳис қилиш – бу инсонийлик юкини ўз зиммасига олмоқ, демакдир...

• • •

Ақлни ишлатган киши учун бу олам мўъжиза ва ибратдан иборат.

• • •

Инсон умрининг асосий қисми ҳаёт сўроқларига ҳаётий жавоб топиш учун маълумот йиғишга, тажриба орттиришга сарф бўларкан...

• • •

Ҳаёт мактабининг асосий сабоқларидан бири – дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмаслигини англаб етишдан иборат...

КЎЗГУ ОЛДИДА

ГУЛЧЕҲРАЛАР – ГЎЗАЛ ЧЕҲРАЛАР

Шиша идишга 1 ош қошиқ асал, 1 дона хом тухум сариғи ва 0,5 чой қошиқда глицерин қўшиб, ёғоч қошиқ билан бир массага келгунга қадар аралаштирилади. Ушбу аралашма тозаланган юзга юпқа қилиб суртилади. 15 дақиқа ўтгач, аввал илиқ, сўнг совуқ сувда ювилади.

• • •

Қуруқ юз терисини юмшатиш учун 100 грамм асал билан 1 дона лимон шарбати аралаштирилади. Тайёр бўлган масса тоза юзга, юпқа қатламда суртилади. 5-10 дақиқадан сўнг, совуқ сувда ювиб ташланади.

• • •

1 чой қошиқ асал, 2 ош қошиқ ун ва 1 дона тухум оқи суюқ хамир ҳолатига келгунга қадар обдон аралаштирилади. Сўнг юзга суртиб, 15 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади.

BOLALIK BOG`I

KICHKINA YORDAMCHI

Tong otdi. Karima xola kenja qizini uyg`otgani xonasiga kirdi. U endi etti yoshga to`ldi, sho`x, biroq ozgina dangasaroq, ko`p narsaga parvoyifalak.

– Turaqol, qizim, – dedi Karima xola. – Nonushta qilib olgin.

Halima anchadan so`ng xonasidan chiqib keldi. Bu paytda kattalar o`qishga, ishga ketishgan, hovli huvillab qolgandi. U nonushta qilib, kop-togini qo`liga oldi-da, ko`chaga, dugonalari yoniga chiqib ketdi. Dasturxonni Karima xola yig`ishtirib oldi, erkatoy qiz hadeganda ko`chadan kelavermadi. Nihoyat o`zi chiqib, chaqirib kelishga majbur bo`ldi.

– Halima, ukalaringning o`yinchoqlarini yig`ishtirib, xonalarni supurib chiq, men kiyimlarni yuvib turaman, – dedi Karima xola.

– Charchab ketdim, oy-yi... Hali yig`ishtirib qo`yarman...

Halima shunday deb, xonasiga kirib ketdi.

Kechga borib, Karima xolaning tobi bo`lmay qoldi. "Tez yordam" shifoxonaga olib ketayotganida:

– Qizim, Mamlakat opangni chaqirib chiq, uy-joyga qarab turadi, – deb tayinladi. Onasining ahvoli Halimaga qattiq ta'sir qildimi, ko`zlari yoshga to`lib ketdi. U yig`laganini sezdirmaslik uchun yuzlarini yuvdi-da, Mamlakat opasini chaqirib chiqdi.

Mamlakat opa shoshilib chiqdi-da:

– Halima, halizamon ishdagilar kelib qolishadi, – dedi. – Hovliyu xonalarni yig`ishtirib, ovqat tayyorlaylik. Menga qarashib yuborasanmi?

– Ha, xonalarni yig`ishtirib, kartoshka, piyozlarni archib beraman.

Ular hovlini supurib, xonalarni orasta qilishdi. Keyin Mamlakat opa Karima xolaga mastava tayyorlab berdi. Halima sabzavotlarni archishga yordamlashib yubordi.

Ertalab barvaqt uyg`onib, nonushta tayyorlashga kirishdi. Eshikdan shoshib kirgan Mamlakat opasi buni ko`rib: "Balli, kichkina yordamchim" deb uni bag`riga bosib qo`ydi.

Kunlar o`tdi. Karima xola tuzalib, shifoxonadan qaytib keldi.

– Opasi, Halima seni qiynab yubormadimi? – so`radi Karima xola qo`shni qizdan.

– Yo`q, xolajon, hamma ishda Halima menga yordam berdi. Hech ham sho`xlik qilmadi. Aytganlarimni vaqtida bajardi.

Ona bu gapdan juda xursand bo`ldi. Betobligi sabab bo`lib, Halimaning fe'lida o`zgarish bo`lganini tushundi. Endi u har tong barvaqt turar, hovlilarni supurar, nonushta tayyorlashda onasiga yordamlashardi.

Zulfiya SATTOROVA, Zangiota tumanidagi 15-umumta'lim maktabi o`quvchisi.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
Навбатчи Хуршида ТУРСУНБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 5995. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00 2345